218

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo`rg`on shahar
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттакургана
Самаркандской области
Республики Ўзбекистан

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo`rg`on shahri, Amir Temur ko`chasi, 4 uy. tel.: (036645) 6-15-89 faks.: (036645) 6-10-01

2018 у.г. «29» август № 1656-К Kattaqo`rg`on sh. – г. Каттакурган

**Каттақўрғон шаҳар Холис кўчаси атрофидан фуқаро Очилов Баходир Худайбердиевичга якка тартибда уй-жой қуриши учун 400 кв.метр ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги ПҚ-2883-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 сентябрдаги Ички ишлар органларининг хизмат уй-жойлари фондини шакиллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 765-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 20 августдаги 28/3-540 сонли хати, фуқаро Очилов Баходир Худайбердиевичнинг шаҳар ҳокими номига ёзган аризасини ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6 ва 25 моддасига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

**1.** Шаҳар ҳокимлиги хузурида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

**2.** Каттақўрғон шаҳар Давлатобод кўчаси 91 уйда вақтинча ижарада яшовчи фуқаро Очилов Баходир Худайбердиевичга Каттақўрғон шаҳар Холис кўчаси атрофидан намунавий лойиҳа асосида якка-тартибда уй-жсй қуриши учун 400 кв.метр ер майдони ажратилсин.

**3.** Фуқаро Очилов Баходир Худайбердиевичга белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида намунавий лойиҳа асосида якка-тартибда уй-жой қуриши учун ҳужжатларни расмийлаштириш юклатилсин.

**4.** Шаҳар бош архитектори (О.Розиқов) ва Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (У.Туропов)га ер майдонини натурада ўлчаб бериш ва тегишли далолатномаларни расмийлаштириш топширилсин.

**5.** Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

**Шаҳар ҳокими** **М.Хашимов**